

**БАДИЙ ТАЪЛИМДА МИНИАТЮРА САНЪАТИНИНГ ЁШЛАР
ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ**

М.Т.Рустамова

магистр 2-курс, Чирчиқ давлат педагогика университети

Аннотация: Уибу мақолада бадий таълим ва миниатюра санъати ҳақида сўз боради. Шунингдек бадий таълимда миниатюра санъатининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилади.

Калит сўзлар: Амалий санъат, бадий таълим, маданият ва санъат, миниатюра, тасвирий санъат, мўъжаз, ранг.

Мухтарам Президентимиз томонидан санъат ва маданият ҳамда унинг таркибий қисми бўлмиш бадий таълимга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик, яратилаётган имкониятлар натижасида юртимиз тасвирий ва амалий санъати, музейшунослик, дизайн соҳаларида улкан ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, 2020 йилнинг 21 апрель куни эълон қилинган “тасвирий ва амалий санъат соҳасини самарадорлигини янада оширишга доир чора – тадбирлар”даги Президент Қарори соҳада янги тарихий даврни бошлаб берди десак, муболага бўлмайди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқимизнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

Замонавий шароитда ўқувчи шахсининг маънавий шаклланишини атрофдаги дунёга эстетик қарашни ривожлантириш, унинг ҳиссий-мажозий идрок этиши ва тасвирий санъатга бўлган когнитив қизиқишини ривожлантириш асосида қайта кўриб чиқиши долзарб кўринади. Бироқ, таълимнинг бутун тизимини қайта қуриш ва янгилаш бўйича машакқатли ишлар олиб борилаётгани биринчи йил эмас. Турли фикрлар мавжуд, таълимни ривожлантириш йўлларини самарали излаш олиб борилмоқда, концепциялар ишлаб чиқилмоқда, қизиқарли лойиҳалар яратилмоқда, ўзгарувчан дастурлар яратилмоқда, таълим ва тарбиянинг ноанъанавий шакллари пайдо бўлмоқда. Бироқ, бадий таълим ва умуман эстетик тарбия соҳасида инновацион ёндашувлар жорий этилганига қарамай, оммавий мактабда ўкув жараёни одатий, анъанавий бўлиб қолмоқда, мактаб ўкувчиларининг индивидуал хусусиятлари яхши ҳисобга олинмайди, бу айниқса тўғри ва ёш талаба учун энг долзарбdir.

Том маънода атоқли ижодкорнинг шаклланиши мураккаб жараён бўлиб, унга узоқ йиллик меҳнат натижасида эришилади. Хусусан, бадий таълим соҳасида бу



яққол кўзга ташланади. Яъни, тасвирий ва амалий санъатга бўлган истеъдод одатда инсоннинг болалигидан намоён бўлади.

Бадий тарбия баркамол шахсни шакллантириш ва ривожлантиришнинг энг муҳим элементидир. Таълим тизимида мактабгача, бошланғич, ўрта, университет ва академик касбий бадий таълимни ўз ичига олган дунёни билиш жараёнининг босқичма-босқич ривожланиши амалга оширилади. Бадий таълим жараёни узоқ, узлуксиз ва аслида тугалланмаган.

Бадий таълим – бу шахснинг ўз халқи ва инсоният бадий маданиятини ўзлаштириш ва ўзлаштириш жараёни, яхлит шахсни, унинг маънавиятини, ижодий индивидуаллигини, интеллектуал ва ҳиссий бойлигини ривожлантириш ва шакллантиришнинг энг муҳим йўлларидан биридир.

Шиддат билан ривожланаётган ҳозирги техника асирида расм чизиш муаммо бўлмай қолган. Иқтидори йўқ инсон ҳам техникани билса қойилмақом қилиб расм чизишни бажара олади. Лекин бадий дид билан ишланган нафис санъат асари ҳеч қачон инсонлар эътиборидан четда қолмаган. Миниатюра санъати ана шундай нафис санъат тури ҳисобланади. Унда асарнинг мўъжазлиги, нафислиги, ранглар ёрқинлиги кишини ўзига жалб қиласи ва ҳозиргача бутун дунё санъат ихлосмандларини лол қолдириб келмоқда **Миниатюра** (франс. miniature; лот. minium - qizil bo‘yoq) – бадий усууллари ўта нафис бўлган кичик ҳажмли (мўъжаз) тасвирий санъат асарлари ҳисобланади. Ўрта аср қўлёзмаларини зийнатлаш учун яратилган нафис мўжаз расмлар, шунингдек, суяқ, пергамент, мағзи сохта (тошқоғоз), металл, чинни, ба’зан майший буюмлар (тамакидон, соат, узук ва бошқалар)га ишланган кичик ҳажмдаги рангтасвирга ҳам миниатюра атамаси қўлланади.





Бадий миниатюра тасвирий санъатнинг алоҳида тури ҳисобланади. Дастрраб, бу турдаги дизайн юқори қатлам буйруғи билан амалга оширилган ва қўлда ёзилган китоблар, қимматли қўлёзмалар ва йилномаларнинг ажралмас қисми ҳисобланган. Уларни яратиш учун рассомдан катта маҳорат ва профессионаллик талаб этилган, чизма қанчалик нозик ва ёрқин бўлса, миниатюра шунчалик юқори баҳоланиб, муаллифнинг юксак касбий маҳорати кўрсаткичи ҳисобланган.

Бундан ташқари, миниатюралар безакнинг бир қисми ҳисобланган. Кичик, ранг-баранг расмлар бой савдогарлар уйларида ва хонлар саройларида ҳашаматли буюмларни безаш учун ишлатилган. Миниатюраларда тарихий йилномалар, ов ва жанг саҳналари, учрашув ва таомниш тафсилоти тасвиirlаниши мумкин бўлган. Миниатюра яратиш жараёни жуда мураккаб ва кўп вақт талаб қиласиган жараён бўлиб, у матонат, катта сабр тоқат, мустаҳкам қўл ва ўткир нигоҳни ҳамда муаллифнинг чексиз тасаввурини талаб қиласиди. Чизма табиий хом ашёдан тайёрланган маҳсус мўйқаламда чизилади. Яқин ва Ўрта Шарқ маданий марказлари бўлмиш Боғдод, Табриз, Самарқанд, Бухоро, Хирот, Шероз каби шаҳарларда X-XIX асрлар давомида маҳсус миниатюра мактаблари мавжуд бўлиб, баъзан юксак даражада ривожланган, баъзан эса таназзулга юз тутган. Ҳар бир рассомлик марказида ўзига ҳос бадий ва ифодавий хусусиятлар юзага келиши билан бирга, уларнинг барчаси Шарқ миниатюра санъатининг ранглар соғлиги ва ёрқинлиги, чизиқларнинг нағислиги ва нозиклиги, тасвирий услубнинг декоратив ҳосияти билан характерланади. Энг машҳур миниатюрачи рассомлардан бири Камолиддин Беҳзод (1450-1535) ҳисобланади. Унинг асрлари Ҳирот мактаби ва бутун Ўрта Осиё миниатюраларини тасвиirlашдаги юксак маҳорати билан э’тироф этилган.

Бугунги кунда миниатюра рангтасвири ўзбек тасвирий сан'атининг мустақил тури сифатида майдонга чиқди. Пойтахтимизда Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музей фаолият кўрсатмоқда. Музейда Камолиддин

Бундан ташқари, Темурийлар тарихи давлат музейида миниатюра расмларининг катта коллекцияси сақланиб келинмоқда. Шунингдек, танланган шарқ шеърияти саҳифаларида миниатюраларнинг ажойиб расмларини кўришингиз мумкин. Беҳзод, унинг шогирдлари ва издошлари ижодига оид 500 дан ортиқ қимматбаҳо экспонатлар, эски қўлёзма китоблар, турли ёзма хужжатлар, тувал, чарм, қофоз, заргарлик қутиларига миниатюра расмлари кенг намойиш этиб келинмоқда. Бугунги кунда ёшларни, мўъжаз миниатюра санъати асрлари билан яқиндан таништириш, бадий таҳлил қилишга ўргатиш, эстетик дунё қарашларини шаклантиришда катта аҳамиятга эга. Мустақилик даврида келажагимиз бўлган ёшларни муносиб инсонлар бўлиб этишишида барча илм фан ва санъат арбоблари ўзларининг ижод фаолиятларига янгича тус, янгича моҳият бериб меҳнат қила бошладилар. Бундан ташқари, Темурийлар тарихи давлат музейида миниатюра расмларининг катта коллекцияси сақланиб келинмоқда. Шунингдек, танланган шарқ шеърияти саҳифаларида миниатюраларнинг ажойиб расмларини кўришингиз мумкин.



Бугунги кунда ёшларни, мўъжаз миниатюра санъати асарлари билан яқиндан таништриш, бадий таҳлил қилишга ўргатиш, эстетик дунё қарашларини шаклантиришда катта аҳамиятга эга. Мустақилик даврида келажагимиз бўлган ёшларни муносиб инсонлар бўлиб етишишида барча илм фан ва санъат арбоблари ўзларининг ижод фаолиятларига янгича тус, янгича моҳият бериб меҳнат қила бошладилар.

Мақсад эса битта. Янги авлод, комил инсонни тарбиялаш ва тезликда тараққий этиб бораётган турмуш тарзида ўз ўрнини муносиб эгаллашида ёрдам беришдир. Табиийки, миллий қадриятларни, тарихни билмай туриб миллат равнақига эришиб бўлмайди. Зеро, юртбошимиз такидлаганларидек, “Ўтмишини билмай туриб, келажакни қуриб бўлмайди”. Мана шундай муаммоларни бартараф этишда миниатюра асарларини идрок этиш муҳим аҳамият касб етади.

Миниатюра санъати жозибали ва қизиқарлилиги билан нафақат ўзлаштиришда, ҳатто уни идрок қила билишда ҳам муайян тайёргарликни талабқилади. Миниатюрада ишланган расмлар тамошабинга жуда катта бадий эстетик таъсир



этиб у нафосат оламига етаклайди. Миниатюрада фақатгина нарса ва воқеалар эмас, балки мусаввирнинг ички кечинмалари ҳам ифодаланади. Миниатюрада расм ишлашнинг ўзига хос тамонлари бор. Унда ранг песпективаси, чизиқли песпектива, ҳаво песпективаларидан фойдаланилмайди. Ўрта асрлар миниарюра санъати билан ҳозиргидав замонавий миниатюра санъатининг, ишланишида фарқ қиласди. Замонавий миниатюра санъатида одамлар тасвиридаги кийимларда турли тасвиirlар ва безаклар берилиши жимжимадорлик кузатилади. Миниатюрада расмлари ишлаш, ва уни ўрганиш табиат гўзалликларини кўра билишга, ҳамда ёшларда эстетик дидни ривожланишида аҳамияти катта. Шунингдек ёшларда ватанпарварлик ҳиссини уйготиб аждодлар меросига миллий ғуур билин назар ташлашларида муҳим омил бўла олади. Бу эса ўз навбатида ёш авлоднинг ўтмишга тўғри муносабат билдириб, келажакка илдам қадам ташлашларига ёрдам беради. Бугунги кунда, Ўзбекистон диёрини янада кўркам ва чиройли бўлишида, шунингдек келажак авлодни баркамол инсонлар бўлиб, этишишида, миниатюра санъатининг ўз ўрни бор. Ушбу маънода ўқувчиларда фуқаролик тарбиясини шакллантириш учун уларни ўтмиш меросимиз ва халқимизнинг минг йиллик қадриятлари асосида маълумотлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида эътироф этиш жоизки, миниатюра санъати ўз хусусиятига кўра мураккаб санъат тури хисобланади. Шунинг учун, ўқувчилардан айнан мураккаб миниатюра композициясини ишлашни талаб қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Мухими, ўқувчилар мазкур санъат турини тарихий миллий тасвирий санъат сифатида бадиий-естетик идрок этишлари, унинг шахс маънавий камолоти, эстетик маданиятини тарбиялаш омили эканлигини англалигини унутмаслигимиз керак.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 апрелдаги “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ4688-сонли Қарори. // “Халқ сўзи”, 2020 йил 22 апрель, №82 (7584).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6000-сонли Фармони. // “Халқ сўзи”, 2020 йил 28 май, №112 (7614).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон Фармони. // “Халқ сўзи”, 2020 йил 30 октябрь, №229 (7731).

4. N.Sayfullayev. Current issues on fine arts education: continuity and prospects for development.// RELIGACIÓN. Revista de Ciencias Sociales y Humanidades. - Web of Sciyence. 2019. - Vol.4. - №19.

5. С.С.Булатов. Рангшунослик. Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий нашриёти 2009



6. Doston Abduvoitovich Berdiyev/ Maktablarda tasviriy san'at fanini o`qitishda kelajak ta'limi steam interaktiv ta'limini rivojlantirish / "Science and Education" Scientific Journal/ ISSN 2181-0842 February 2022// Volume 3 Issue 2 Pages: 687-690;
6. Бердиев Д.А., Султанов Х.Э. Тасвирий санъатда кластер ёндашуви сифатида стеам таълимини татбиқ этиш // Интернаука/ 2022.4.23. Том 7 №15, стр. -13-14;
7. Laylo Mirsoatova/ Use of innovative methods in the development of students' creative abilities / Current research journal of pedagogics (ISSN -2767-3278) volume 03 issue 01Pages: 45-49;
8. Султанов Х.Э. Тасвирий санъатнинг ўқувчилар интеллектуал-ижодий салоҳиятига таъсири // замонавий таълим / современное образование 2022, № 9. -50-57 б.
9. Султанов Х.Э., Бойназарова Н.Х., Бердиев Д.А., Мирсоатова Л.Ў., Маматкаримова М.Т. Кластер ҳамкорлигига ижодий фаолиятни ташкил этишининг ўқувчилар маънавий-ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти //“Yangi o‘zbekistonda pedagogik ta’lim innovatsion klasterini rivojlantirish istiqbolları” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari /may 1-qism CHIRCHIQ – 2022. 613-620 б.
10. Imomatova U., Nutfullayev M. Tasviriy san'at darslarida yoshlarga o'zbek milliy tasviriy san'atni o'qitishning psixologik asoslari //Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities/ -2023: 2(2), -204-207 6.
11. F. Bozorov. Ijodiy to'garaklarda yoshlarni tasviriy san'atdan tavirlash malaka va ko'nikmalarni shakllantirish metodikasi - Science and Education, -2022: 130-136.
12. Imomatova, U. (2022). Mustaqillik tasviriy san'atning ishlab chiqarish tendensiyalari. Fan va ta'lim , 3 (8), 175-182.